



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
JAMOAT XAVFSIZLIGI UNIVERSITETI**

**YETIM VA OTA-ONA QARAMOG‘IDAN MAHRUM BO‘LGAN
BOLALAR BILAN ISHLASH MEXANIZMLARINI
TAKOMILLASHTIRISH**

Respublika on-line ilmiy-amaliy konferensiya

2022 yil 24 fevral



Toshkent – 2022

тайёрлаш тизими. Тошкент-Фан. 2010 й.

ДЕВИАНТ ФЕЪЛ-АТВОРЛИ БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАЁТГАН НОҚОНУНИЙ ХАТТИ- ХАРАКАТЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ИЛДИЗЛАРИ

М.Т.Ахмедова

*Тошкент тиббиёт академияси доценти “Педагогика ва психология”
кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди.*

М.М.Mansurova

*мазкур академия “Тиббий педагогика” факультетининг
II босқич талабаси.*

Кузатишларга қараганда, кейинги йилларда оилаларда турли хил сабабларга кўра, хусусан кишиларда кундалик турмуш ташвишларига барҳам бериш, қийинчиликларни енгиб ўтиш ва келажакка нисбатан янгича қараш лаёқатининг етишмаслиги ва шу кабилар оилада фарзандлар тарбиясига эътиборнинг биров сусайишига сабаб бўлиб, ота-оналар фарзандлари билан кам мулоқотда бўлишига тўғри келмоқда. Шахснинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамоллиги ижтимоий турмушда вужудга келган турли хил низоли вазиятлардан чиқиб кетишига ёрдам беради. Маънавий-ахлоқий жиҳатдан суст ривожланганлик ва шахсдаги ўзига хос хусусиятлар (ўзгарувчан характерлилик, кўзгалувчанлик, беқарорлик, ҳиссиётга берилувчанлик, тобелик, журъатсизлик ва бошқалар) эса болалар ва ўсмирларда девиант хулқнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Ота-оналарнинг оилада фарзандлари билан қилаётган муомала ва муносабатлари кўринишлари болалар ва ўсмирларда хулқ оғишининг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Оилада қаҳр-ғазаб асосидаги ота-она муносабати болаларни уйдан бездиради. Уйдан бешиш, оила муҳитини тан олмаслик ўсмирларда оилавий муҳитга нисбатан деформациялашувни келтириб чиқаради. Натижада ўсмир оиладан ташқари кўча муҳитини ўзига маъқул кўради. Кўча муҳити эса баъзан криминал мазмунга эга бўлиши мумкин. Натижада ноахлоқий ва ғайриқонуний хулқ-атвор муҳитига тушиб қолган ўсмирда хулқ оғишининг келиб чиқиши учун имконият яратилади. Ота-оналарнинг қаҳр-ғазаб асосидаги муносабати болалар ва ўсмирларда салбий

характер хислатларининг хусусан, кўрқоқлик, тобелик, асабийлик, ҳиссиётларга берилувчанлик ва мустақил тафаккурнинг сустиги кабиларнинг шаклланишига олиб келади. Кўрқоқ, тобе болалар ва ўсмирлардаги асабийлик, кўзғалувчанлик ва ҳиссиётларга берилувчанлик вазиятларнинг чигаллашувига, муаммоли вазиятлардан чиқиб кетиш йўлларини нотўғри қўллашга олиб келади. Ота-оналарнинг фарзандлари ҳаёти ва фаолияти билан қизиқмасликлари, уларни назоратсиз қолдиришлари ҳам ўсмирни ғайриқонуний хулқ-атворга олиб келади. Шунинг учун ота-оналар фарзандларининг айниқса, ўсмирлик ёши давридаги фаолиятларини, бўш вақтларида нималар билан шуғулланаётганликларини домий равишда назорат қилиб боришлари мақсадга мувофиқдир. Вояга етмаганларда девиант феъл-атворнинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи оилавий тарбияга боғлиқ бўлган омиллардан яна бири оилавий тарбияда ўта қаттиққўллик, авторитар ёндашув, болаларнинг фикр ва қарашларини инобатга олмасликдир.

Бугунги кунда ўзбек оилаларида мавжуд бўлган тарбиядаги нуқсонлардан яна бири ота-оналарнинг чеклаш, рад этиш, тақиқлаш, рухсат этмаслик асосидаги тарбиялаш усулидир. Бу хилдаги тарбия усулида болаларнинг иродаси, хоҳиш-истаги, ўй-хаёллари, орзу ва интилишлари, фикр ва мулоҳазалари инобатга олинмайди. Шунингдек, бундай тарбия усулида болаларга ўз фикр мулоҳазаларини очикча баён этиш, мустақил қарорларга келиш ва муайян вазиятларга ўз нуқтаи назарини билдириш имконияти чекланади. Боланинг тафаккури, қизиқиши, эркинлигини ҳурмат қилмаслик мустақил фикр юритиш қобилятининг сусти ривожланиши, тортинчоқлик, ўз фикр-мулоҳазаларини баён эта олмаслик, тобелик, кўрқоқлик ва журъатсизлик каби салбий хислатларни келтириб чиқаради. Журъатсиз, тобе, тортинчоқ болада фаоллик ва ўз-ўзига ишонч ҳисси етишмайди. Шунингдек, уларда нутқнинг сусти ривожланиши ҳолати ҳам кузатилади. Бундай болалар бутун умр давомида бировларга тобе бўлиб яшайдилар. Уларда раҳбарлик, бошқарувчанлик қобиляятлари ўта паст ривожланган бўлади. Ҳозирда ўзбек оилаларида берилаётган тарбия нуқсонларидан яна бири оилавий тарбияда

миллий қадриятларимиздан, яъни мифология, эртак, мақол, ривоят ва ҳадис илмидан етарлича фойдаланилмаётганлигидир.³⁰

Болалар ва ўсмирларда хулқ оғишининг олдини олишнинг муҳим шартларидан бири тарбиявий жараёнда таълим муассасаси ва оила ҳамкорлигини тўғри йўлга қўйишдир. Кўпинча оила ва муассаса ҳамкорлиги, ота-она ва ўқитувчи ўртасидаги ўзаро алоқанинг узилиши туфайли болалар ва ўсмирлар тарбиясини, айниқса, улар хулқидаги ўзгаришларни тузатиш анча қийин кечади. Ёшлар билан олиб бориладиган таълим-тарбия иш-ларининг муваффақияти уларнинг ёшга оид ва психологик хусусиятларини билиш ҳамда ҳисобга олишга боғлиқдир. Бу ҳолат энг нозик давр ҳисобланган ўсмирлик даврининг алоҳида хусусияти бўлиб, у кўпроқ шу даврга тааллуқлидир. Ўсмирлик даврини ўтиш даври, деб юритадилар, чунки ана шу даврда болаликдан катталиқ ҳолатига ўзига хос ўтиш даври юзага келади. Бу жараёнлар бола руҳий фаолиятининг жиддий равишда қайта қурилиши билан боғлиқдир. Болаларнинг экспрессив-эмоционал хусусиятларини билиш ҳам уларни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Ёшлар билан индивидуал муносабатда уларнинг қанчалик эмоционаллиги, ҳиссиётга берилувчанлигини, аффектга мойил ёки мойил эмаслигини, ўз ҳиссиётини тута олишолмаслигини ва шунингдек, унда қандай ҳислар устун эканлигини билиш жуда муҳимдир. Катталар ҳар бир боланинг қанчалик тўғрисиўзлигини, меҳнатсеварлигини, виждонлилигини, дўстлик ва ҳамкорликни қанчалик ҳис қилишини кузатиб, билиб бориши зарур. Салбий ахлоқий сифатларга эга бўлган ёшларда тажанглик, кўполлик, ёлғончилик, безорилик, эгоизм, қайсарлик, ўжарлик, интизомсизлик, қоидаларга риоя қилмаслик, ўзбилармончилик кабилар кузатилади ва бундай ҳислатларга эга бўлган ёшларни тарбиялашда индивидуал ёндашув лозим. Чунки улар жамоа ёки кўпчилик орасида ўзларининг айбларини ошкор бўлишини ёки тарбия, танбеҳ бераётган кишининг насиҳат ёки кўрсатмаларига бўйсунини ёқтирмайдилар, улар билан муомалада

³⁰ Норбек Тайлоков, Вояга етмаганлар ўртасида суицид ҳолатларнинг олдини олиш. Методик қўлланма –Т.: «Камалак» нашриёти Тошкент - 2017

нихоятда эҳтиёткорлик, самимийлик, дўстона муносабатда бўлиш талаб қилинади. Ёшлар билан ишлашда уларнинг характери, қизиқишлари, шахсий хусусиятлари эътиборга олинishi лозим. Кўп насихат қилмаслик, уришмаслик, овозини баланд кўтармаслик, кўп гапирмаслик мақсадга мувофиқ. Ўзаро самимий муносабат, шахсий намуна, оила ва муассасадаги кишиларнинг ишга ижобий муносабатигина ёшларда шундай бўлишга ҳавас туғдиради. Ўсмирларнинг хатти-ҳаракатларини ижобий йўналишга буриб юбориш учун уларда масъулият, ғурур, жавобгарлик, ишонч каби юксак ҳисларни таркиб топтириш лозим. Бунинг учун уларга ёши, кучи, қобилияти ва қизиқишларини ҳисобга олиб, топшириқлар бериш айти муддаодир. Уларни ўзлари қизиққан тўғарақларга жалб қилиш яхши натижалар беради. Энг муҳими шундаки, тарбияланувчиларга ишониш керак. Уларнинг қўлидан келадиган ишларга эътиборли бўлиб, уни бажарганидан кейин рағбатлантириш, уни ишни яна ҳам яхши бажаришда ўз фикрларини баён қилиш ҳам муҳимдир. Ёшларни беъмани ҳордиқ чиқариш ва кўча-кўйда мақсадсиз юришларига йўл қўймаслик лозим. Бунинг учун мактаб, маҳалла, жамоатчилик ва оила ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, болаларни иложи борича мактабдан ташқари муассасаларга жалб этиш чора-тадбирларини қўллаш керак. Ушбу жараёнларда маҳалла фаоллари, таълим муассасаси психологлари, педагоглар ва кенг жамоатчиликнинг иштирок этишини таъминлаш керак. Таълим муассасасида педагог-психологлар билан ҳамкорликда ўқувчиларда энг яхши инсоний фазилатларни ривожлантириш, уларда ўзига ишонч, ўз хулқини яхшилаш мотивларини қуйидаги йўналишларда шакллантиришлари зарур:

- ▶ болаларни ўз хулқ-атворини ўзи баҳолашга ўргатиш;
- ▶ ўқувчиларнинг ижобий хатти-ҳаракат қилишларини мунтазам назоратга олиш ва уларга ишониш;
- ▶ оилада, муассасада болаларнинг олдига қўйилган вазифаларни бажаришда эришган ютуқларини рағбатлантириш;
- ▶ тарбия беришнинг оптимал стратегиясини аниқлаш;
- ▶ ўқувчиларга индивидуал ёндашув ҳар бирига аниқ махсус педагогик

таъсир ўтказиш;

▶ тарбиявий таъсирнинг болани ҳар томонлама ривожлантиришга йўналтириш;

▶ дарсдан ташқари фаолиятларда болаларга мустақил фаолият (ўқиш, ўйин, меҳнат, хобби ва қизиқишлари)ни танлаш учун имконият бериш;

▶ ҳар бир бола учун уларни ақлан ҳамда ахлоқан ривожланишига йўналтирилган тарбиявий ишларни ташкил этиш;

▶ ота-оналар билан ишлаш жараёнида ҳудудий “Оила марказ”лари, маҳалла фуқаролар йиғини ва шифокорлар билан ҳамкорлик қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ахмедова М.Т. Педагогик конфликтология. Ўқув қўлланма. –Т.: Низомий номидаги ТДПУ, Адабиёт учқунлари, 2017. - 319 б.

2. Кудрявцев В.Н. Юридическая конфликтология. Центр конфликтологических исследований. –М.: 1995.

3. Akhmedova M. et al. Categories of person in conflict and methods of conflict resolution in the occurrence of conflicts between medical personnel. – 2021.

4. Ахмедова М.Т. Проблема учебной дисциплины в общеобразовательных школах и пути ее преодоления //european research: innovation in science, education and technology. – 2021. – с. 49-51.

5. Ахмедова М. Т. Некоторые факторы качественной организации образовательной системы в подготовке специалистов //Молодой ученый. – 2010. – №. 6. – С. 310-311.

6. Tursunaliyevna A.M., Karimovna N.Y. Maktabgacha tarbiya muassasalarida madaniy-gigiyenik malakalarni tarbiyalash bolalar organizmining jismoniy rivojlanishida muhim vosita //integration of science, education and practice. scientific-methodical journal. – 2022. – т. 3. – №. 1. – с. 98-103.

7. Нарметова Ю.К. Интегрированный подход как важный фактор решения проблемы подготовки клинических психологов //хабаршысы. – с. 57.

8. Нарметова Ю. Специфика работы психолога в клинике внутренних болезней //вестник каракалпакского государственного университета имени

Hoshimova D. Badalbayeva M.	Yetim va ota-ona qaramog'idan mahrum bo'lgan bolalar bilan ishlash tajribasi (xorijiy davlatlar misolida).	102
Babanazarov K.R., Norboyev T.A.	O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi - yetim va ota-onasining qaramog'idan mahrum bo'lgan bolalarga ta'lim va tarbiya berishdagi o'rni va roli.	107
Israilova N.A.	Podgotovka detey - sirot i detey, ostavshixsya bez popecheniya roditeley k samostoytelnoy jizni v obshchestve kak psixologo - pedagogicheskaya problema	110
Parpieva A., Nazarmatov A.	Mehribonlik uyi tarbiyalanuvchilarini oilaviy haftga tayirlashda pedagogik asoslari	119
Axmedova M.T., Mansurova M.M.	Deviant fe'l-atvorli bolalar va o'smirlar tomonidan sodir etiladigan noqonuniy xatti-harakatlarning ijtimoiy ildizlari.	123
Usmonov B.A.	Yetim va ota-ona qaramog'idan mahrum bo'lgan bolalarni tarbiyalash muassasalarida yuzaga kelgan iqtisodiy jinoyatlarda firibgarlikni fosh qilishning dolzarb masalalari	128
Toxirova Sh.R.	Ilk yoshdagi bolalar: ularni oiladan ajratishning salbiy oqibatlari.	132
Axmadjonov Z.Z.	Yetim va ota-ona qaramog'idan mahrum bo'lgan bolalarning psixologik xususiyatlari.	135
Qodirov M.S.	Yetim bolalar bilan olib boriladigan psixologik-pedagogik faoliyatlar.	141
Jo'rayev S.S., Mirzaeva S.U.	Yosh avlodni kasbga yo'naltirishning pedagogik-psixologik jihatlari	147
Islamova D.B.	Yetim va ota-ona qaramog'idan mahrum bo'lgan bolalar va ota-onalar bilan ishlashning muhim tarbiyaviy-psixologik jihatlari.	155
Xamrayev A.A., Umarov F.U.	Педагогико-психологический портрет современного узбекского военного летчика	159

3-sho'ba – Oilaviy bolalar uyilarini tashkil etishning samarali mexanizmlari

Ro'zieva D.I.	O'zbekistonda oilaviy bolalar uyilarini tashkil qilishning ijtimoiy pedagogik imkoniyatlari	176
Shomurodova N.N.	Oilaviy bolalar uyilarida tarbiyalanuvchilarga xos ijtimoiy-psixologik xususiyatlar	171
Rejаметова I.I.	Oilaviy bolalar uyi tarbiyachilariga qo'yiladigan talablar	176